

ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ МОЛИЯ ВАЗИРЛИГИ
ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ДАВЛАТ СОЛИҚ ҚЎМИТАСИ
ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ДАВЛАТ
БОЖХОНА ҚЎМИТАСИНИНГ
ҚАРОРИ

128 **Ўзбекистон Республикасида тамаки маҳсулотлари ва
алкоголли ичимликларга акциз маркаларини қўллаш
тартиби тўғрисидаги йўриқномага ўзгартиришлар киритиш
хақида**

*Ўзбекистон Республикаси Адлия вазирлиги томонидан 2011 йил
29 мартда рўйхатдан ўтказилди, рўйхат рақами 589-5*

(2011 йил 8 апрелдан кучга киради)

Ўзбекистон Республикаси «Давлат солиқ хизмати тўғрисида»ги (Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Ахборотномаси, 1997 й., 9-сон, 232-модда) ва «Давлат божхона хизмати тўғрисида»ги (Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлисининг Ахборотномаси, 1997 й., 9-сон, 230-модда) қонунларининг 6 ва 7-моддаларига, Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2009 йил 30 мартдаги ПҚ–1084-сон «Агробанк» акциядорлик тижорат банкни ташкил этиш тўғрисида»ги қарорига (Ўзбекистон Республикаси қонун ҳужжатлари тўплами, 2009 й., 14-сон, 155-модда), Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 2009 йил 15 июлдаги 200-сон «Давлат даромадига ўтказиладиган мол-мулкни олиб қўйиш, сотиш ёки йўқ қилиб ташлаш тартибини такомиллаштириш тўғрисида»ги (Ўзбекистон Республикаси ҚТ, 2009 й., 7-сон, 56-модда) ва 2011 йил 16 февралдаги 33-сон «Алкоголли маҳсулотларга ва тамаки маҳсулотларига янги намунадаги акциз маркалари жорий

Ўзбекистон Республикаси қонун ҳужжатлари тўплами, 2011 й.

этиш тўғрисида»ги (Ўзбекистон Республикаси қонун ҳужжатлари тўплами, 2011 й., 7-8-сон, 57-модда) қарорларига мувофиқ Ўзбекистон Республикаси Молия вазирлиги, Давлат солиқ қўмитаси ва Давлат божхона қўмитаси **қарор қиладилар:**

1. Ўзбекистон Республикаси Молия вазирлиги ва Давлат солиқ қўмитаси томонидан 1998 йил 10 декабрда 04-02-05/809, 98-156-сон ва Давлат божхона қўмитаси томонидан 1998 йил 6 декабрда 02/8-42-сон билан тасдиқланган Ўзбекистон Республикасида тамаки маҳсулотлари ва алкогольли ичимликларга акциз маркаларини қўллаш тартиби тўғрисидаги йўриқномага (рўйхат рақами 589, 1999 йил 7 январь) (Ўзбекистон Республикаси вазирликлари, давлат қўмиталари ва идораларининг меъёрий ҳужжатлари ахборотномаси, 1999 йил, 2-сон) иловага* мувофиқ ўзгартиришлар киритилсин.

2. Ушбу қарор Ўзбекистон Республикаси Адлия вазирлигида давлат рўйхатидан ўтказилган кундан бошлаб ўн кун ўтгандан кейин кучга киради.

Молия вазири

Тошкент ш.,
2011 йил 14 март,
22-сон

Р. АЗИМОВ

**Давлат солиқ
қўмитаси раиси**

Тошкент ш.,
2011 йил 14 март,
2011-11-сон

Б. ПАРПИЕВ

**Давлат божхона
қўмитаси раиси**

Тошкент ш.,
2011 йил 14 март,
01-02/8-2-сон

З. ДУСАНОВ

* Илова рус тилидаги матнда берилган.